
Намунали пиллакорлар тақдирланмоқда

Туман пиллакорларининг ичида Қуйи Яккатутлик Муҳаббатхон Эҳсонова ҳар йилги мавсумда ипак қуртини яхши парваришлаб, юқори натижаларга эришади. Қўлида бир ярим ёш фарзанди бўлган М.Эҳсоновага жорий йилдаги 120 кг ҳосилни кўтариш ҳам осон кечмади. Турмуш ўртоғи Илҳомжон ака ва қизи Сарвинозхонлар кўмаги билан 20 грамм қуртни парвариш қилдилар.

Бугун туман ҳокими М.Эҳсоновани қабул қилиб, ўзбек аёлига ҳос бўлган оилапарварлиги ва меҳнаткашлигини алоҳида эътироф этиб, ўз миннатдорчилигини билдирди. Шунингдек оиланинг моддий ва маънавий ҳолатини ўрганди. Муаммоларини сўраб, доимо эшиги очиқлиги, туман ҳирмонини юксалишида қўшган ҳиссаси учун туман ҳокимлигининг эътибори ва эъзозида эканлигини таъкидлаб ўтди.

Сўхбат сўнгида фидойи пиллакорга тикув машинаси совға қилинди. Муҳаббат Эҳсонова кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун туман ҳокимига ўз ташаккурларини билдирди.

Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-06-10 18:18:49